



**ЎЗБЕК ХАЛҚ ТОПИШМОҚЛАРИДА ЗООНИМИК
ОБРАЗЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАЛҚИНИ
LINGUISTIC AND CULTURAL INTERPRETATION OF
ZOONOMIC IMAGES IN UZBEK FOLK-RIDDLES**

Латипов О.Ж.

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Тилларни ўрганиши кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Аннотация. Ҳар бир ҳалқнинг маънавий бойлиги унинг тарихи, адабиёти ва маданиятида акс этади. Асрлар давомида ҳалқ оғзаки ижоди бетакрор мақол ва маталлар, топишмоқлар ва ибораларни жамлаб авлоддан авлодга кўчиб келмоқда. Инсоннинг ҳаётида ҳайвонот оламининг ўрни беқиёсdir. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳалқ топишмоқларида жамланган ва акс эттирилган. Мазкур мақола топишмоқларни ўрганиши орқали бой маданий меросимиз билан танишиши, сирли ҳайвонот оламини янада чуқурроқ ўзлаштиришига базишиланган.

Abstract. The spiritual wealth of every nation is reflected in its history, literature and culture. Over the centuries, folklore has been passed down from generation to generation, collecting unique proverbs and sayings, riddles and phrases. The role of the animal world in human life is incomparable. Their characteristics are summarized and reflected in folk riddles. This article is dedicated to getting to know our rich cultural heritage and mastering the mysterious animal world more deeply through the study of riddles.

Калим сўзлар: ибора, маданий мерос, топишмоқ, фольклор, ҳайвонот олами.

Key words: phrase, cultural heritage, riddle, folklore, animal world.

Ҳар бир ҳайвоннинг бошқаларидан ажратиб турувчи хусусият, қўриниш ва ҳатти-ҳаракатга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Айнан шу жиҳатлар халқ оғзаки ижоди намунаси бўлган топишмоқларда ўз аксини топган. Доно халқимиз орасида тез-тез учраб турадиган зоонимли компонентларга эга бўлган топишмоқларнинг ўзига хос жозибадорлиги тилимизнинг нақадар бетакрор эканлигидан далолат беради. Уларда ўзбек халқининг бой тарихи ва маданияти, анъаналари, урф-одатлари акс этган. Мазкур топишмоқларни ўрганиш орқали бой маданий меросимиз билан яқиндан танишиш ҳамда сирли ҳайвонот оламини янада чуқурроқ ўрганиш имконини беради. Мисол тариқасида қўйидаги топишмоқларга мурожаат қиласиз:

“Соқоли бор, Ақли йўқ. (Эчки)

Чорва ичида шайтон,

Соқоли узун султон. (Така)

Ҳамма ётса ҳам

Ҳасан – Аваз ётмайди. (Эчки шохи)

Олис ердан чанг чиқар. (Кўпкари)

Ерда юради,

Осмонни кўрмайди. (Чўчқа)

Кетаверади, кетаверади,

Саватдек ерни олади. (Ит)

Сояда ётар,

Минг қўй бокар. (Ит)

Эл ётса ҳам,

Шалпангўлоқ ётмайди. (Ит)

Кичкинагина қумгон,

Ўтириб кўзини юмгон. (Мушук)

Мўйлови бор,

Соқоли йўқ. (Мушук)

Үйдай жойни олар,

Сичқондан қўрқар. (Фил)

Туя десам, каттакон,
Усти кенг, бир макон. (Фил)
Йўл-йўл тўни бор,
Одам қўрқар турқи бор. (Йўлбарс)
Келганда тўрт оёқ,
Кетганда икки оёқ. (Айик)
Далама-дала қидиради,
Кўй билан эчки оҳ уради. (Бўри)
Гўнг тенада ўт ёнар. (Бури)
Қашқир минган,
Эшак ўнгарган,
Эчки ҳайдаган,
Туя етаклаган. (Тулки)
Кечаси овда,
Кундузи уйда. (Тулки)
Шохлари бор, қўчкордек,
Бўйи мисли дараҳтдек. (Кийик)
Ўзи йўртиқ,
Лаби тиртиқ. (Қуён)
Сой ичида сарик эчки. (Қуён)
Жар бўйида жар қилич. (Жайра)
Ер тагида қубба игна. (Типратикан)
Ердан чиқади қозиқ,
Иси жуда сассиқ. (Юмронқози)
Токчама-токча,
Азамат хўжса. (Сичқон)
Ер тагида езнам оти кишинайди. (Сичқон)
Бир кулранг бузогим бор,
Уйдагилар ундан безор,
Бозорга олиб борсан,

Топилмайди харидор. (Сичқон)

Худдибой чўлоқ гўр қазир,

Гўр қазиса ҳам йўл қазир. (Сичқон)

Тирик келиб, ўликдан ош сўради,

Ўлик туриб, тирикни бўғиб олди. (Сичқон, қопқон)

Қанотли, сут беради. (Кўршапалак)

Сувда тугди, Ерда ўлди. (Балиқ)

Қаноти бор учмайди,

Куруқликда юрмайди. (Балиқ)

Қишида бир жойда,

Ёзда минг жойда. (Балиқ)

Сув тагида олтин балдоқ. (Балиқ)

Қамиши таги қалтирап. (Балиқ)

Жони бор жондан,

Сув ичар қўлдан.

Кўзлари нурдан,

Териси пулдан. (Балиқ)

Боши бору сочи йўқ,

Кўзи бору қошии йўқ.

Тангаси бор, пули йўқ,

Қаноти бор, учуви йўқ. (Балиқ)

Сассиқ кўлда им ҳурап. (Бақа)

Узоқ сойда им ҳурап. (Бақа)

Ҳовуз ёнида Султонбойвачча ўтиради. (Бақа)

Сув бўйида поччам оти кишинайди. (Бақа)

Қия-қия ерларда,

Қийма султон ўтирап.

Тирноқлари кумушидан,

Хофиз жувон ўтирап. (Бақа)

Ости тош, усти тош,

Ўртасида чандир бош. (Тошибақа)
Тоғу тошларда тоштовоқ,
Ичи тўла гўшту ёғ. (Тошибақа)
Икки тобоқ,
Орасида қашқалдоқ. (Тошибақа)
Жанзак бобо туяси,
Жар ёқалаб ўтлайди. (Тошибақа)
Эмаклаган тошини кўрдим,
Тошидан чиққан бошини кўрдим: (Тошибақа)
Ер устида ўрмалар,
Чопай деса чополмас. (Тошибақа)
Ер тагида ҳўл гаврон. (Илон)
Ер тагида ёғли қамчи. (Илон)
Кўпrik остида ёғли ҳасин. (Илон)
Узун ичак,
Учи тугунчак.
Танаси чипор,
Ўрмондан чиқар. (Илон)
Ола қамчи уради,
Чумчуқларни сувради. (Илон)
Узун -узун из қолган,
Зар кокилли қиз борган.
Боши қалтироқ,
Кўзи ғилайроқ. (Илон)
Қорагина попши,
Деволга ёпиши. (Калтакесак)
Ер тагида қизил химич. (Чуволчанг)
Эрта туради, Жар чақиради. (Хўрз)
Боши тароқ, Думи ўроқ. (Хўрз)
Бир қўшиним бор аввал бошдан,

Соқоли унинг қизил гўшдан.
Саҳар туриб шовқин солар,
Хабари йўқ ҳеч бир ишидан. (Хўроз)
Овозаси аzonда,
Мазалиги қозонда. (Хўроз)
Саҳархез сўфи,
Туйнукда бибиотин. (Хўроз, товуқ)
Жонлидан жонсиз дўрайди,
Жонсиздан жонли дўрайди. (Товуқ, тухум, жўёжса)
Касби доим тақири-туқири,
Қайдада илон кўрса чўқири. (Лайлак)
Томда турган пишагим,
Бўйни узун эшагим. (Лайлак)
Қирдан туриб тухум иргитдим. (Бургут)
Бир қушим бор фарангиги,
Чорбогда чалар чангди. (Саъва)
Бойнинг ўғли кўкка қараб йиғлайди. (Бойўғли)
Ликинг-ликинг йўргаси,
Оғзида баҳмал тўрваси. (Каклик)
Юқоридан келади зебогина товшии бор,
Оёғида пахмоққина ковшии бор. (Каклик)¹.
Мазкур мақолаларни ўзлаштириш ўзбек адабий тилига нисбатан эҳтиром
кўрсатиш ва ҳурмат бажо келтириш, шунингдек ёш авлодда экологик
тарбияни шакллантириш, яъни ҳайвонот оламини асрарб авайлаш борасида
дадил қадам ташлашимиз мумкин.

¹ Ўзбек халқ топишмоқлари www.ziyouz.com кутубхонаси 13-21 б.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахимов М.М. Ўзбек халқ топишмоқлари. www.ziyouz.com кутубхонаси. 2008. – 65 б.
2. Латипов О. Ж. Коннотативный характер наименований домашних птиц в русском и узбекском языках// Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — №1(36). — С. 93–102.
3. Латипов О.Ж. Коннотации вокруг лексемы «рыба» в разносистемных языках//“Илмий ахборотнома” журнали, СамДУ, 2022, №6 (136), 76-81 б.
4. Латипов, О.Ж. Коннотативный характер названий диких животных в узбекской лингвокультуре//Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, (E)ISSN: 2181-1784 4(01), Jan., 2024 SJIF 2024 = 7.404 / ASI Factor = 1.7 www.oriens.uz, 393-405 б.
5. Латипов, О.Ж. Коннотативный характер наименований диких птиц в русском и узбекском языках//ФарДУ. Илмий хабарлар журнали, 2021 йил, №5, 140-145 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., 2008.–680 б.
7. Латипов, О. Ж. (2022). Интерпретация ихтиологической лексики в русском и узбекском языках. In *Сборник научных трудов Международной научнопрактической конференции. Ташкент-Екатеринбург* (pp. 65-67).
8. Qizi Ikanova, L. S. (2020). IMPROVING LISTENING SKILLS THROUGH ICT. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(11), 334-338.
9. Ikanova, L. (2019). THE IMPACT OF MATERIALS DEVELOPMENT, CRITICAL PEDAGOGY AND LGBT'S ISSUE ON

THE LANGUAGE PLANNING AND POLICY.||
SCIENCE. RESEARCH, DEVELOPMENT, 59-62.

10. Иканова, Л. (2024, May). ОБРАЗОВАНИЕ В ТЮРЬМЕ: ФУНДАМЕНТАЛЬНОЕ ПРАВО И ВАЖНЫЙ ИНСТРУМЕНТ. In *Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences* (Vol. 3, No. 5, pp. 269-275).
11. Lazokat, I. (2022). Enhancing listening skills with the help of digital tools. *Thematics Journal of English Language Teaching*, 6(1).
12. Латипов, О. Ж. (2022). КОННОТАЦИИ ВОКРУГ СЛОВА-ЗООНИМА “ВОЛК” В РУССКОМ, УЗБЕКСКОМ И ТАДЖИКСКОМ ЯЗЫКАХ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 26), 647-649.
13. Musayeva, S. I. (2024). KURSANTLARNING MADANIYATLARARO MULOQOT KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA MULTIMADIA VOSITALARINING O'RNI. *Ustozlar uchun*, 28(2), 98-103.
14. Musayeva, S. I., & Mengliyeva, S. S. (2022). Kursantlarning madaniyatlararo muloqot kompetensiyasini ingliz tilini o 'qitish orqali rivojlantirish. *Инновационные исследования в науке*, 1(14), 144-148.
15. Quvondiqov, M. I., & Musayeva, S. I. (2023). YANGI KONSTITUTSIYA-YANGI KELAJAK TAYANCHI. *PEDAGOGS jurnali*, 32(2), 142-145.
16. Ibrohimovna, M. S. (2019). TECHNIQUES OF IMPROVING SPEAKING IN ESP CLASSES FOR MILITARY. *CONDUCT OF MODERN SCIENCE-2019*, 139.